

БАНК ҲИСОБВАРАҒИНИНГ ШАРТНОМАСИ № _____

_____ ш. «____» _____ 201_ й

ХОАТБ «Универсал Банк» _____ филиали, кейинги ўринларда «Банк» деб аталади, номидан ХОАТБ «Универсал Банк» Бошқаруви томонидан берилган _____-сонли ишончнома асосида иш юритувчи филиал раҳбари

(хўжалик юритувчи субъектнинг тўлиқ номи)

кейинги ўринларда «Мижоз» деб аталади, номидан

(раҳбарнинг лавозими, фамилияси, исми ва отасининг исми)

(тасдиқловчи ҳужжат номи)

асосида иш юритувчи, иккинчи томондан қўйидагилар ҳақида ушбу шартномани имзоладилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

- 1.1. Мазкур шартномага мувофиқ Банк Мижозга талаб қилингунча депозит ҳисобварағи (кейинги ўринларда «ҳисобварақ») очиш, Мижозга очилган ҳисобвараққа келиб тушаётган пул маблағларини қабул қилиш ва киритиб қўйиш, Мижознинг ҳисобварағидан тегишли суммаларни ўтказиш ва тўлаш ҳамда ҳисобварақ бўйича бошқа операцияларни амалга ошириш ҳақидаги фармойишларини бажаришни, Мижоз эса кўрсатилган банк хизмати учун ҳақ тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

2. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Банк мажбурияти:

- 2.1.1. Мижозга тўлов асосида комплекс ҳисоб-китоб ва касса хизматини кўрсатиш, яъни қонунга мувофиқ белгилаб қўйилган банк қоидаларида ва банк амалиётида қўлланиладиган иш муомаласи одатларида ушбу турдаги банк ҳисобварақлари учун белгилаб қўйилган операцияларни амалга ошириш йўли билан ҳисобвараққа келиб тушаётган пул маблағларини қабул қилиш ва киритиб қўйиш ҳамда Мижознинг пул ўтказиш ва тегишли пул маблағларини бериш тўғрисидаги топшириғини бажариш. Келиб тушаётган маблағларни ҳисобвараққа киритиш ва уларни Мижознинг топшириғига биноан ҳисобварақдан кўчириш тегишли тўлов ҳужжати банкка келиб тушган кунда амалга оширилади. Ҳисоб-китоб ва касса хизматига бевосита тааллуқли бўлмаган бошқа хизматларни кўрсатиш (кредит бериш, лизинг, факторинг, қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш, жойлаштириш, сақлаш, омонат кассалари орқали операциялар, ишончли ва бошқа операциялар) Мижоз билан тўзилган алоҳида шартномалар асосида амалга оширилади. Мижозга амалиёт куни (вақти) доирасида у учун қулай бўлган вақтда ўзаро келишиб тўзилган жадвалга асосан банк хизматини кўрсатиш.

- 2.1.2. Мижознинг топшириғи бўйича ҳисоб-китоб операцияларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ўтказиш тўғрисидаги амалдаги қоидаларга қатъий риоя қилган ҳолда амалга ошириш. Мижоз ҳисобварағида маблағлар мавжуд бўлмаган ёки етарли бўлмаган ҳолда Банк тўланиши керак бўлган суммани 2-Картотекага кирим қилади. Банк томонидан қонунчиликда махсус кўзда тутилган ҳолларда Мижознинг розилигисиз унинг ҳисобварағидан пул маблағларини кўчиришга йўл қўйилади.
- 2.1.3. Амалдаги қонунчиликка асосан, Мижоздан нақд пул тушумларини қабул қилиш ва Мижозга нақд пуллар бериш.
- 2.1.4. Ҳисоб-китоб ва касса ҳужжатлари, чек дафтарчалари, нақд пулни топшириш бўйича ҳужжатлар ва бошқа банк ҳужжатлари билан белгиланган тарифлар бўйича тўлов эвазига Мижозни таъминлаш.
- 2.1.5. Мижознинг ишонган вакилига ҳисобварағидан кўчирмаларни керакли ҳужжатларни илова қилган ҳолда бериш.
- 2.1.6. Банк Мижознинг ҳисобварағи, ҳисобварақ бўйича ўтказилган операциялари ва Мижоз ҳақидаги маълумотларни сир сақланишини кафолатлайди. Мижознинг операциялари ва ҳисобварағи бўйича маълумотлар фақат мижознинг ўзига ёки унинг вакилларига берилади, давлат органларига ва уларнинг мансабдор шахсларига фақат қонунда кўзда тутилган тартибда ва ҳолатлардагина уларнинг ёзма сўровномалари асосида берилиши мумкин.
- 2.1.7. Мижоз топшириғига биноан, унинг ҳисобварағига келиб тушмаган пул маблағларини қидиришни тўлов асосида амалга ошириш.
- 2.1.8. Мижознинг иккиламчи талаб қилиб олингунга қадар депозит ҳисобварағига хизмат кўрсатганда, унинг ҳисобварағига пул маблағлари келиб тушганлиги тўғрисида ҳисобварақдан кўчирма бериш орқали хабардор қилади.
- 2.2. **Мижоз мажбурияти:**
- 2.2.1. Банкка ҳисобварақни очиш ва уларни юритиш учун барча зарур ҳужжатларни тақдим этиш.
- 2.2.2. Кўрсатилган комплекс ҳисоб-китоб ва касса хизматлари учун мазкур шартноманинг тўртинчи бўлимида кўрсатилган тартибда тўлов ҳақини ўз вақтида тўлаш.
- 2.2.3. Банк билан ўзаро келишилган хизмат кўрсатиш жадвалига, тўлов ҳужжатларини расмийлаштириш ва тақдим этиш қоидаларига риоя қилиш, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун талабларини бажариш.
- 2.2.4. Мижознинг нақд пулга бўлган эҳтиёжини аниқлаш учун чорак бошланишидан 60 (олтимиш) кун олдин ҳар чорақда Банкка белгиланган шаклда касса буюртмасини топшириш.
- 2.2.5. Ҳар янги молия йили бошланишидан 10 (ун) кун олдин Мижоз кассасидаги нақд пул қолдиғи лимитининг ҳисоб-китобини ва келгуси йилда нақд пул тушумларини топширишнинг тартиби ва муддатини Банкка тақдим этиш.
- 2.2.6. Банк кассасидан нақд пул олиш учун, уларни олиш арафасида нақд пул чекларини Банкка тақдим этиш.
- 2.2.7. Ўз ҳисобварағини бошқа банкка ўтказётган пайтда хизмат кўрсатувчи банкка солиқ идорасининг солиқлар, шунингдек, бошқа тўловлар бўйича давлат бюджети билан ўзаро мунособатлари ҳолати тўғрисидаги хулосаси ва ҳисобварақни (2-картотекаси билан бирга) қабул қилаётган банкнинг

- розилик хатини тақдим қилиш. Бунда Мижоз бюджет олдидаги ўзининг барча мажбуриятларини бажарганидан кейингина ҳисобварақни ўтказишга рухсат берилади.
- 2.2.8. Биринчи талаб қилиниши билан банкка амалга оширилган экспорт, импорт, бартер ва молиявий операциялар бўйича ҳужжатларни, шунингдек зарурият туғилганда бошқа маълумотларни тақдим этиш.
- 2.2.9. Ўз манзили, телефон рақами ўзгарганда ва бошқа шунга ўхшаш ўзгартиришлар бўлганда, уч иш куни мобайнида Банкка ёзма равишда маълум қилиш.
- 2.2.10. Мулкчилик шакли, корхонанинг номи ва Устав (Низом)га бошқа ўзгартиришлар киритилганда 10 кун муддат ичида бу ҳақда Банкни хабардор қилиш ҳамда барча тегишли ҳужжатларни тақдим этиш.
- 2.2.11. Банк орқали ҳисоб-китобларни мавжуд қонунчиликка риоя қилган ҳолда амалга ошириш.
- 2.2.12. Тўловчи билан маблағ олувчи ўртасидаги ҳисоб-китоблар бўйича ўзаро эътирозларини қонунчиликда белгиланган тартибда, Банк иштирокисиз ҳал қилиш.
- 2.2.13. Нақд пул тушумларини тўлиқ ҳажмда ва ҳар куни инкассация хизмати орқали йўналиш бўйича ёки мустақил тарзда Банкка ва бошқа тегишли банкка топшириш, берилмаган иш ҳақини уч иш куни мобайнида депонент қилиш, сафар хизматлари учун олинган нақд пуллариининг ишлатилмаган қисмини белгиланган муддатларда банкка топшириш.
- 2.2.14. Ўз.Р. Адлия Вазирлиги томонидан 23.10.2009й.-да 2023-ракам билан руйхатга олинган «Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кўрашиш бўйича ички назорат қоидалари» талабларини бажариш ва ушбу меъёрий ҳужжатга асосан, банк томонидан талаб қилинган ҳужжатларни тақдим этиш.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

3.1. Банк ҳуқуқлари:

- 3.1.1. Мижоз томонидан амалдаги қонунчилик, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки меъёрий ҳужжатлари, мазкур шартномага риоя қилинмаганлиги ҳолатлари аниқланганда, шу жумладан ҳисоб-китоб ҳужжатларини нотўғри расмийлаштирилганда ҳамда уларни Банкка амалиёт куни (вақти)да тақдим қилинмаганда, ҳисоб-китоб ва касса операцияларини бажаришдан бош тортиш.
- 3.1.2. Банк тегишли органлар тақдимномаси ва таъсисчилар ёки Мижознинг юқори ташкилоти хатларига асосан унинг ҳисобварағидан тўловларни амалга оширишни вақтинча тўхтатиб туришга ҳақли.
- 3.1.3. Мижоз ҳисобварағида 2-картотека мавжуд бўлган ҳолатда келиб тушган маблағларни амалдаги тартиб (йўриқнома)га асосан ҳисобдан чиқарилишини амалга ошириш.
- 3.1.4. Бюджетга тўловларнинг ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш мақсадида, Банк қарздор Мижознинг сўмдаги маблағлари етишмаганда ва валюта ҳисобварағида маблағлари бўлган ҳолатда, солиқ органларининг берган тақдимида кўра сўзсиз равишда унинг валюта маблағларини ЎзРВБда шу

кунда белгиланган курсда ва бюджет олдидаги қарз ҳажмини тўлиқ қоплашга етарли миқдорда сотилишини амалга ошириш.

- 3.1.5. Банк Мижоздан кўрсатилган комплекс ҳисоб-китоб ва касса хизмати ҳақини хизматлар кўрсатилган куннинг ўзида, ҳамда Мижоз рақами ҳаракатсиз бўлиб қолгандан бошлаб 3 (уч) ой мобайнида ойлик абонент тўловларни мемориал ордер ёки тўлов талабномаси орқали акцептсиз тартибда ундириш ҳуқуқига эга. Мижознинг ҳисобварағида маблағ етарли бўлмаган ҳолатда мемориал ордер ёки тўлов талабномасини 2-Картотекага кирим қилинади.
- 3.1.6. Банк Мижозни аввалдан огохлантирган холда Мижоздан кўрсатиладиган комплекс ҳисоб-китоб ва касса хизмати ҳақини бир томонлама ўзгартиришга ҳақли.
- 3.1.7. Банк «Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кўрашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ мижозларнинг ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туришга ёки уларни бажаришни рад этишга ҳақлидир.
- 3.1.8. Ўз.Р. Адлия Вазирлиги томонидан 23.10.2009й-да 2023-рақам билан рўйхатга олинган «Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кўрашиш бўйича ички назорат қоидалари» талаблари ижроси юзасидан мижоздан тегишли ҳужжатларни тақдим қилишни талаб қилиш.
- 3.2. **Мижоз ҳуқуқлари:**
 - 3.2.1. Ўз ҳисобварағидаги маблағларини амалдаги қонунчиликка мувофиқ мустақил тасарруф этиш.
 - 3.2.2. Амалдаги қонунчиликда ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банк йўриқномаларида кўзда тутилган ҳолларда Банкдан нақд пул олиш.
 - 3.2.3. Банкдаги махсус ажратилган жойда ва унинг вакили иштирокида нақд пул қайта саналганда аниқланган камомад ҳақида даъво қилиш.
 - 3.2.4. Банкдан нақд пулсиз ҳисоб-китобларни расмийлаштириш ва касса хизматига бевосита тааллуқли бўлган қоидалар, уларга киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар ҳақида маълумот олишга ҳақли.

4. БАНК ХИЗМАТЛАРИГА ТУЛАНАДИГАН ҲАҚ МИҚДОРИ ВА ТАРТИБИ

- 4.1. Мижозга ҳисоб-китоб, касса хизмати кўрсатганлик учун тўловлар Банк Бошқаруви томонидан тасдиқланган «Универсалбанк» ХОАТБ тизимида кўрсатилаётган банк хизматлари учун тарифлар бўйича ҳақ олиш ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган 1-иловага мувофиқ олиннадиган ҳақ эвазига амалга оширилади:
 - 4.1.1. Ҳисобварақ, миллий валютада талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб варағи очиш Бепул;
 - 4.1.2. Хорижий валютада юридик ва жисмоний шахслар учун талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақами очиш (хар бир ҳисоб рақам учун) МБ курси бўйича USD 15.⁰⁰, хорижий валютада ҳисоб рақамини қайта руйхатга олиш ва қайта расмийлаштириш МБ курси бўйича USD 25.⁰⁰;
 - 4.1.3. Миллий валютада қайта руйхатдан утиш учун амалдаги тарифга кўра барча пакет бўйича корхона, ташкилот ва яқка тартибдаги тадбиркорларга МБ курси бўйича USD 25.⁰⁰;

- 4.1.4. Миллий валютада ҳисоб ракамларни бошқа банкка ўтказилиши муносабати билан курсатиладиган хизматлар учун ЭКИХ миқдориди;
- 4.1.5. Миллий валютадаги ҳисоб варақлари буйича туловларни ўтказиб бериш хизмати (Дебет айланмасидан) -
- 4.1.5.1. савдо терминали ва нақд пул тушумига эга мижозлар учун:
ташки ____%, ички ____% (min 0.2%; max 1%);
- 4.1.5.2. улгуржи савдо кархоналари учун:
ташки ____%, ички ____%; (min 0.5%; max 1%);
- 4.1.5.3. бошқалар учун:
ташки ____%, ички ____%; (min 0.5%; max 1%);
- 4.1.5.4. Бюджет кархоналари учун: Бепул
- 4.1.5.5. Туловларни тушириб бериш хизмати (Кредит айланмаси учун):
Бепул
- 4.1.6. Ойлик абонент тўлови келишилган ҳолда (min 1 ЭКИХ);
- 4.1.7. Электрон тўловлар учун (Хар бир электрон ҳужжат учун) ЎЗРМБ томонидан белгиланган тариф бўйича;
- 4.1.8. Барча ҳисоб ракамлардан кўчирмалар(выпискалар) БЕПУЛ, мижоз илтимосига кўра йукотилган кўчирмаларнинг дубликати бериш МБ курси бўйича USD 5.00;
- 4.1.9. Чек китобчасини расмийлаштириш амалдаги тарифга кўра барча пакет бўйича корхона,ташкilot ва якка тартибдаги тадбиркорларга таннарх ҳисобида, Чек китобчасини йўқотганлиги учун жарима амалдаги тарифга кўра барча пакетларга МБ курси бўйича USD 25.00;
- 4.1.10. Мижознинг аризасига асосан унинг ҳисоб ракамларидаги маблағлар 1 йилгача бўлган муддатдаги айланмаси тугрисида ва архив ҳужжатларини ўрганишни талаб этувчи маълумот ва жавоблар учун (хар бир ҳисоб ракам учун алоҳида комиссия олинади) USD 25.00, 1 йилдан ошиқ бўлган муддатдаги айланмалар тугрисидаги ва архив ҳужжатларини ўрганишни талаб этувчи маълумот ва жавоблар учун амалдаги тарифга кўра барча пакет бўйича корхона,ташкilot ва якка тартибдаги тадбиркорларга МБ курси бўйича USD 50.00;
- 4.1.11. DUET карталари ҳисоб рақамига ойлик иш хаки ва унга тенглаштирилган тўловлар, дивидент ва бошқалар Бепул, сўмдаги корпоратив картани чиқариш МБ курси буйича EUR 15.00, картага шикаст етказилса еки йўқотса EUR 20.00, жаримаси EUR 5.00, савдо карталари EUR 9.50, савдо терминаллари ижарага олиш EUR 15.00, пластик картани стоп-листга киритиш UZS 1,000.00.
- 4.1.12. Банк-клиент тизимини ўрнатиш бепул, мижоз мурожаатига кўра тизимни қайта ўрнатиш USD 25.00, мижознинг аризасига асосан иш жараенида тизим таъминоти ва маслаҳатлар USD 35.00, ойлик абонент тулови 1 ЭКИХ;
- 4.1.13. SMS-Банк-уланиш бепул, Хусусий тадбиркорлар учун ойлик абонплата USD 3.00, Бошқа юридик шахслар учун ойлик абонент тулови USD 5.00, ойлик абонент тулови ЯТТлар учун USD 3.00, МЧЖ ва бошқалар учун USD 5.00;
- 4.1.14. Хорижий валюталар бўйича банк томонидан ўтказиладиган барча хизмат турлари, кафолатлар, аккредетив, факторинг, кредит йигма жилдлари тайерлаш ва бошқа банк ўтказмалари «Универсалбанк» Бошқаруви томонидан тасдиқланган тариф асосида ундирилади.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. Мазкур шартнома бўйича зиммасига олинган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Мижоз амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлади.
- 5.2. Банк Мижозни бошқа шахслар билан тузган шартномадан келиб чиқувчи мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун бошқа Кредиторларга тўланадиган пеня ёки жарималарнинг ҳисобланиши ва ундирилиши учун жавобгар бўлмайди.
- 5.3. Мижоз амалга оширилаётган операцияларнинг қонунийлиги учун жавобгардир.

6. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТИ

- 6.1. Шартнома тузилганидан сўнг, бир томон иккинчи томон олдида уларнинг ихтиёри ва хоҳишидан ташқари, олдиндан кўриб бўлмайдиган ва олдини олиб бўлмайдиган, жумладан, сув тошқини, ёнғин, зилзила ва бошқа табиий офатлар, эмбарго, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемиялар, уруш ва ҳарбий ҳаракатлар натижасида келиб чиққан вазиятларда мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганлиги учун жавобгар бўлмайди.
- 6.2. Банк мазкур шартноманинг 6.1. бандида кўрсатилган форс-мажор ҳолатларидан ташқари қуйидаги ҳолатларда ҳам жарима тўлашдан озод этилади:
 - 6.2.1. Банклараро электрон тўлов тизимида юзага келиши мумкин бўлган ўзилишлар рўй берганда
 - 6.2.2. Мижоз томонидан амалдаги қонунчилик талабларига жавоб бермайдиган тўлов ҳужжатлари тақдим қилинганда.
 - 6.2.3. Қонунчиликда белгиланган тартибда Банк ёки Мижоз ҳисобрақамларида операциялар тўхтатилганда.
 - 6.2.4. Банкка боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра электр қувватининг вақтинчалик мавжуд бўлмаслиги.

7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ, УНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- 7.1. Мазкур шартнома имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради ва уни бекор қилиш вақтигача амал қилади.
- 7.2. Мижоз ҳисобварақни ёпиш учун бир ой олдин банкни ёзма тарзда хабардор қилиши лозим. Шартнома Банкнинг талабига кўра, қонунчиликда белгиланган ҳолатда ва тартибда бекор қилиниши мумкин.
- 7.3. Мазкур шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг келишувига кўра ёзма шаклда амалга оширилади. Мазкур шартномага киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар улар фақат ёзма шаклда расмийлаштирилиб, томонлар ҳар бирининг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан ва уларнинг муҳри билан тасдиқлангандан кейингина юридик кучга эга бўлади. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

- 7.4. Мижознинг асосий ҳисобварағи, у билан боғлиқ мазкур Мижозга тегишли бошқа ҳисобварақлар ёпилгандан кейингина ёпилади.
- 7.5. Мижоз олти ой мобайнида (савдо ва савдо-воситачилик - уч ой мобайнида) банк ҳисобварақлари бўйича пул операцияларини ўтказиш билан молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаган ёки қонунчиликда белгиланган муддатларда эълон қилинган Устав жамғармасини шаклантирмаганлиги сабабли хужалик суди томонидан тугатилиши тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, шартнома бекор қилинади.

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- 8.1. Ушбу шартнома юзасидан келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокара йўли билан ҳал қилинади. Агар келиб чиққан низо ва келишмовчиликларни музокара йўли билан ҳал этиб бўлмаса, улар хўжалик суди орқали ҳал этилади.

9. ШАРТНОМАНИНГ БОШҚА ШАРТЛАРИ

- 9.1. Ушбу шартномада назарда тутилмаган, у билан боғлиқ барча мунособатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.
- 9.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади. Шартноманинг бир нусхаси Банкда, иккинчи нусхаси Мижозда сақланади.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

БАНК:

Манзил: _____

х/с _____

в _____

Банк коди _____

СТИР _____

ОКОНХ _____

Тел.: _____

Факс.: _____

Рахбарнинг имзоси

Бош бухгалтер имзоси

МИЖОЗ:

Манзил: _____

х/с _____

в _____

Банк коди _____

СТИР _____

ОКОНХ _____

Тел.: _____

Факс.: _____

Рахбарнинг имзоси

Бош бухгалтер имзоси